

»» Президент

ҚОЗОҒИСТОН – БУЮК БРИТАНИЯ: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Буюк Британия Бизнес ва савдо масалалари бўйича давлат вазири Нусрат Мунир Ғанини қабул қилди. Давлат раҳбари Буюк Британия Қозоғистоннинг асосий савдо ҳамкорларидан бири ва мамлакат иқтисодиётига сармоя киритиш бўйича еттинчи сармоядор эканлигини таъкидлади.

Сўнгги йилларда Қозоғистон ва Буюк Британия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар жадал ривожланаётганини мамнуният билан қайд этди.

Қозоғистонда 550дан зиёд Британия компанияси фаолият юритмоқда, улар орасида Shell ва Ernst & Young каби етакчи компаниялар бор. Бугунги кунда сиёсий мулоқот ва парламентлараро алоқалар фаол давом эттирилмоқда, савдо-иқтисодиёт, сармоя, инновация ва банк-молия соҳаларидаги ҳамкорлик кенгаймоқда. 2022 йил якунларига кўра,



ўзаро савдо ҳажмида кейинги 10 йилдаги энг юқори ўсиш кўрсаткичи қайд этилди. Қозоғистон ва Буюк Британия ўртасидаги товар айирбошлаш ўтган йили 60 фоизга ошган ва 1,8 миллиард

долларни ташкил қилган. Маданий-гуманитар, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда.

Учрашувда икки томонлама амалий ҳамкорликни янада мус-

таҳкамлаш, Буюк Британиянинг бевосита сармояларини, илғор тажриба ва технологияларини жалб қилган ҳолда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

– Биз Лондон билан савдо ва сармоявий алоқаларимизни кенгайтиришдан манфаатдормиз. Буюк Британия ҳам Қозоғистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ниятида эканини алоҳида таъкидламоқчиман, – деди Президент.

Ўз навбатида Нусрат Мунир Ғани Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Қозоғистон халқига кўрсатилган эҳтиром учун миннатдорчилик билдириб, Британия томони икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Учрашув сўнггида Қозоғистон ва Буюк Британиянинг икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида интилиши қатъий экани алоҳида қайд этилди.

Akorda.kz.

ИСЛОҲОТЛАР ЮРТ РАВНАҚИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди хизмат сафари билан Тўлебий туманига борди. Туман ҳокими Тўлеген Телғараев билан Ленгер шаҳри ва қишлоқларда давлат дастурлари доирасида қад ростлаётган ижтимоий иншоотларни кўздан кечириб, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнаткашларнинг фаолияти билан танишди.

Ҳоким Қасқасу қишлоғи аҳолиси билан учрашув ўтказди. Халқ билан мулоқот давомида ёшлар бандлигини таъминлаш, таълим-тарбия сифатини ошириш, чекка ҳудудларни зарур инфратузилма ва интернет билан таъминлаш каби масалалар юзасидан долзарб муаммолар муҳокама қилинди.

– Ҳар бир даврнинг ўзига хос талаблари ва режалари бўлади, – деди ҳоким туман фаоллари билан учрашувда. – Ота-боболаримиз орзу қилган ва етиша

олмаган мустақиллик даврида яшаб, даврон суриш бизга насиб этди. Биз ҳам жамиятда ўз ўрнимизни топиб, масъулиятларимизни виждонан бажаришимиз керак. Президентимизнинг Мақтуби халқ орасида кенг муҳокама қилинди ва қўллаб-қувватланди. Унда белгиланган вазифалар қозғистонликлар учун дастуриланган бўлиб, олдимизга ниҳоятда масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Айниқса, қишлоқ ва шаҳарларимизни ободонлаштириш соҳасидаги вазифалар долзарб.

Бу – замонавий меъморчилик ва шаҳарсозлик талабларидан келиб чиқиб, намунали лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш, қишлоқ қурилиши кўламини ошириш ҳамда уни индустрлаштириш, қишлоқларда маҳаллий хомашё ва меҳнат заҳираларидан кенг фойдаланган ҳолда янги ва замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Уй-жой, ижтимоий ва маиший ҳамда маданий иншоотлар қурилишидан,

автомобиль йўлларининг ҳолатини, транспорт ва коммуникация хизматларини яхшилашдан, умуман қишлоқ аҳоли манзилларининг қиёфасини ўзгартиришдан ва пировардида, қишлоқни тараққий эттиришдан иборат. Белгиланган вазифалар орасида қишлоқларимиз ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳам муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда.) ►

»» “Жанубий Қозоғистон” – ҳар бир хонадонга!

ҚИШЛОҚ ШИФОХОНАСИДА

Тажрибали шифокор-терапевт Рўза Йўлдош қизи раҳбарлик қилаётган Эски Иқон қишлоқ касалхонасида келгуси ярим йилликдан эътиборан 35 нафар муштарий “Жанубий Қозоғистон” газетасини мутлоа қилишади.

Обунани ташкил этишда бош ҳамшира Садоқат Зурапованинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашимиз жоиз.

Шифохона маъмуриятининг мажбу-

рий тиббий сугурта жараёнини яхшилаш хусусидаги таклиф-мулоҳазаларини ҚР Сенати депутаты Алишер Сотволдиев эътиборига ҳавола қилиб, жора кўрилишини илтимос қилганмиз. Жавобини кутамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: шифохона раҳбари Рўза Йўлдош қизи (ўнгда) бош ҳамшира Садоқат Зурапова билан.

Муаллиф тасвири.



6 ОЙГА ОБУНА БАҲОСИ:
«Қазпошта» ҲҲ орқали –
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

»» Қозоғистон мустақиллигига – 32 йил



УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРҒАН ЗАМОН

Мустақиллик йилларида юртимизда асрга татигулик ишлар амалга оширилди. Иқтисодиёти шиддат билан ривожланиб бораётган замонавий тараққий-парвар давлат барпо этилиб, тинчлик ва ижтимоий тотувлик таъминланди. “Қозоғистон – 2030” ва “Қозоғистон – 2050” Стратегиялари асосида сифатли ҳамда тарихий аҳамияти улкан тузилмавий, конституциявий ва сиёсий ислохотлар олиб борилди. Қозоғистон халқаро нуфузининг ўсишига ҳамда унинг минтақадаги геосиёсий аҳамиятининг кучайишига эришилди. Мустақил Қозоғистон минтақавий ва дунёвий муаммоларни ҳал этиш ишига юксак масъулият билан қарайдиган масъулиятли, қолаверса, кучли халқаро ҳамкор сифатида танилди. Қозоғистон МДҲ ва Марказий Осиё мамлакатлари ичидан “ЭКС-ПО-2017” халқаро кўргазмасини ўтказиш учун жаҳон ҳамжамияти танлаб олган дастлабки давлат бўлди. Куйида ушбу икки давлат дастурининг амалдаги ижросига қисқача тўхталамиз.

Евроосиё минтақасининг молиявий, амалий, инновациявий ва маданий маркази сифатида шаклланишини таъминлаган ҳолда янги пойтахтимиз – Астана шаҳри барпо этилди. Аҳоли сони 20 миллиондан ошиб, умр ёши узунлиги 72,5 йилга етди.

Иқтисодиётни юксалтиришнинг негизи саналмиш кичик ва ўрта бизнес ривожланмоқда. Давлатимиз ташқи таҳдидларга доимо ўз вақтида эътибор қаратиб, уларга тайёр бўла олди. Шу муносабат билан Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев мамлакатимизни янгилаш борасида тегишли дастурий ташаббуслар ишлаб чиқди. Уларнинг ижроси эса муваффақиятли тараққиётимизнинг асосий омилига айланди.

«Қозоғистон иқтисодий тараққиётининг янги шакли мамлакатнинг рақобатбардош устуворликларидан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг меҳнат, капитал, заҳиралар, технология каби асосий омилларнинг имкониятларини юксак даражада очишга асосланган.

Янги иқтисодий сиёсат доирасида уни амалга ошириш учун узоқ муддатли мақсад қўйишни белгилаш амалиётидан воз кечамиз. Мақтубда белгиланган барча мажбуриятлар уч йил ичида бажарилиши керак. Энг мураккаб вазифаларни амалга ошириш учун аниқ саналар белгиланади», деди Президент «Адоллатли Қозоғистоннинг иқтисодий йўналиши» Мақтубида ва галдаги иқтисодиёт тузилмаси билан алоқадор ислохотларнинг асосий жиҳатларига тўхталди.

Давлат раҳбари ҳозирги босқичда энг муҳим вазифа – мамлакатимизнинг кучли sanoat базасини шакллантириш, иқтисодий жиҳатдан ўзини-ўзи тўлиқ таъминлай олиш эканлигини, шу боис, асосий эътибор ишлаб чиқариш соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилиши, мамлакат тақдирини учун алоҳида аҳамиятга молик қатор лойиҳаларни амалга оширишимиз зарурлигини таъкидлаб, Ҳукуматга иқтисодиётни ранг-баранглаштиришни топширди. Чунончи, металлни чуқур қайта ишлаш, нефть-газ ва кўмир кимёси, оғир машинасозлик, урanni қайта ишлаш ва бойитиш, автомобиль бутловчи қисмлари ва ўғит ишлаб чиқариш каби соҳаларга алоҳида эътибор қаратиш, юқори даражада қайта ишланган маҳсулот ишлаб чиқарадиган кластер яратиш кераклигини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятидан фойдаланиш зарурлиги айтилди. «Сайёҳлик ҳам шундай дадил лойиҳалар қаторида бўлиши зарур. Афсуски, бу муҳим соҳадаги ишлар тўғри йўлга қўйилмаяпти, мамлакатимиз бошқа давлатларга нисбатан ортда қолмоқда. Умуман олганда, камида 15та йирик лойиҳанинг аниқ рўйхати тайёрланиши керак. Бу соҳада ўтмиш хатоликларига йўл қўймаслик жоиз», деди у.

Мақтубда белгиланган бош вазифа – Қозоғистоннинг дунёвий рақобатдошлигини таъминлай оладиган иқтисодий тараққиётнинг янги шаклини яратиш ва мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш орқали аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш.

Олам шиддат билан ўзгармоқда. Ўзгартириб бўлмайдигандай кўринган жаҳон хавфсизлик тизимининг таянчлари ва халқаро савдо қомдалари бузилмоқда. Янги технологиялар, роботлаштириш ва автоматлаштириш меҳнат заҳиралари ҳамда одам капитални сифати тааллуқли талабларни мураккаблаштирмоқда. Молиявий тизимларнинг бутунлай янги шакллари яратилмоқда. Бундай шароитда таҳдидларга жавоб бериш ва давлат муваффақиятга эришишининг кафолати бўлмиш мамлакатнинг асосий бойлиги – одамнинг ривожланиши масаласи кўндаланг турибди. Шу муносабат билан Ҳукумат, ҳар бир давлат органи, давлат компаниясининг раҳбари иш услубларини ўзгартирмоқда. Қозоғистонликлар фаровонлигининг ўсиши асосий устуворга айланмоқда. Президент Мақтубида қозғистонликларнинг фаровонлиги, энг аввало, даромадларининг барқарор ўсиши ва турмуш сифатига боғлиқлиги алоҳида таъкидланди.

Фаровонлигимизнинг иккинчи бир сифати – турмуш даражасининг ортиши. Таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой сифати ва оммабоплиги, хотиржам ва хавфсиз шароитда ҳаёт кечириш масалалари Қозоғистондаги ҳар бир оиллага дахлдордир. Шу муносабат билан Ҳукуматга ижтимоий шўъбага, хавфсизлик ва инфратузилмага аҳамият қаратган ҳолда бюджет харажатларининг устувор йўналишларини қайта қўриб чиқиш топширилди.

Ҳукуматга Президент маъмурияти билан биргаликда “Ички ишлар органларини янгилаш борасидаги йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш топширилди. Аҳоли билан ишлашнинг янги замонавий шакллари жорий этиб, полиция фаолиятини баҳолашнинг мезонлари тубдан ўзгартирилмоқда. Фуқаролар онига полициячилар жазовичилар эмас, аксинча, қийин вазиятда ёрдам кўрсатувчилар, деган тушунча қарор топмоқда. Қозоғистоннинг барча шаҳарлари жамоат хавфсизлигига мониторинг юритиш тизимлари билан таъминланмоқда. Жамият томонидан билдирилган ишонч даражаси ва аҳолининг ўзини хавфсиз ҳис этиши полиция ишини баҳолашнинг асосий мезони бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда.) ►

ИСЛОҲОТЛАР ЮРТ РАВНАҚИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тўлебий туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда қишлоқ хўжалиги, сармоя жалб этиш, қурилиш, инфратузилма, бандлик йўналишлари ва болалар хавфсизлиги масалалари муҳокама қилинди. Туман тараққиёти юзасидан танқидий фикрлар билдирилди. Йиғилишда вилоят ҳокими билан бирга мутасадди идоралар раҳбарлари иштирок этди.

– Асосий мақсадимиз – иқтисодиётни ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланган ҳолда Тўлебий тумани аҳолиси учун барча шароитларни яратиш. Бунинг учун барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз керак, – деди Дархан Сатибалди ва раҳбарларга аниқ вазифалар юклади.

Мажлисда Туркистон вилояти ҳокими девони раҳбари Еркеғали Алимқулов туманда амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот берди. Йиғилишда туман тараққиётига тўққинлик қилаётган долзарб муаммо ва камчиликлар алоҳида тилга олинди.

Мажлисда туман ҳокими Тўлеген Телғараевнинг ҳисоботи тингланди. Минтақа раҳбари Тўлебий туманини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги ривожланган ҳудудга айлантириш тадбирларини кучайтиришни топширди.

Йиғилишда сўзга чиққан туман фахрийлар кенгаши раиси Атирхан Шинғисбаев истиқлол халқимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаш, муносиб ҳаёт кечириш имконини берганини, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намойён этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, юртимизда озод ва фаровон ҳаёт барпо этишининг мустаҳкам гарови бўлиб келаётганини таъкидлаб, мустақиллик йилларида бой тарихимиз, муқаддас динимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳам-жиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш ҳаётимизнинг асосий қоидасига айланганини таъкидлади.

– Кенг кўламли ислохотлар натижасида иқтисодиётимиз барқарор ривожланиб, аҳоли фаровонлиги ошиб, юртимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ўз самарасини бермоқда. Қишлоқларда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ижтимоий-маданий масканларни таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Янги ижтимоий-маданий иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда. Таълим-тарбия, маънавият ва маърифат масканлари, тиббий муассасалар, иш-



лаб чиқариш корхоналари ишга туширилмоқда. Мактаблар жаҳон андазалари даражасида таъмирланиб, таълим сифати ва мазмуни бутунлай ўзгармоқда. Уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланаётгани кам таъминланган, алоҳида эътиборга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоялашнинг аниқ ва манзилли тизимини самарали амалга ошириш имконини бераётди.

Туман ҳокими жорий йилда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган муваффақиятларга тўхталди.

– Бугунги кундаги асосий вазифамиз – халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир, – деди у. – Шуни бугун юксак мамнуният билан таъкидлашимиз жоизки, Давлатимиз раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаевнинг қозоғистонликларга йўллаган Мақтубида белгиланган вазифалар, хусусан, инқирозга қарши дастурнинг аҳамияти залворли бўлди. Унинг доирасида амалга оширилган яна бир йўналиш – мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш юзасидан қабул қилинган амалий чоралар. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида юзлаб гектар каналлар тозаланди, бунинг учун «Йўл харитаси» давлат дастури орқали зарур маблағ ажратилди. Натижада, 4 минг гектардан зиёд обикор ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, деҳқон хўжаликларининг даромадини ошириш имконини беради.

Туманда янги иқтисодиётни шакллантиришнинг турли йўналишлари танланган, улар бири-бири билан ўзаро боғланган. Чунончи, қишлоқ хўжалигини илмий асосда ривожлантириш билан бир қаторда соҳада етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари барпо этилиб, кластер шакллантирилмоқда.

Йиғилишда туманда сайёҳлик-

ни ривожлантиришга янада кенг йўл очилиши айтилиб, соҳа муаммолари муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими Кўксаёқ қишлоғидаги “ФудМастер-Шымкент” МЧБда амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Бу цех бир кеча-кундузда 70-80 тонна сутни қайта ишлаб, қадоқланган сут, айрон, қаймоқ, йогурт ва бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Вилоят ҳокими корхона раҳбари билан суҳбатда унинг таклифларини тинглади. Туман ҳокими тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ёки янги лойиҳа бошламоқчи бўлган тадбиркорлар кўллаб-қувватланишини айтиб, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш тарафидан тарғиб этиш юзасидан топшириқлар берди.

Компания янги технологиядан фойдаланган ҳолда маҳсулот сифатини яхшилаш ниятида. Завод сут микдори ва сифатини назорат қилувчи юқори технологияли қурилма билан жиҳозланган.

Мазкур корхона раҳбари Султан Абдигалининг таъкидлашича, туман аҳолисидан олинган сут текширилиб, ёлғилиги ва сифати аниқланади. Компаниянинг барча маҳсулотлари сертификатланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўз ўрнини топаётган йирик корхонада 128 нафар одамнинг бандлиги таъминланган.

Қасқасу қишлоғида табиий газ иншооти фойдаланишга топширилди. Қасқасувликларнинг қу-вончли онларини баҳам кўриш учун махсус ташриф буюрган вилоят ҳокими Дархан Сатибалди аҳоли билан муҳокамада уларни туман равнақи йўлида фаол бўлишга чақирди.

– Аҳоли билан учрашувларда кўтарилаётган масалаларнинг аксарияти инфратузилма билан боғлиқ. Маҳаллий аҳолининг талаб-ининоватга олган ҳолда, энг долзарб муаммоларни тезроқ ҳал қилиш устида ишлаяпмиз. Қишлоқ

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

2023-2029 йиллардаги олий ўқув таълими
концепцияси муҳокамада



ГЎШТ ЭКСПОРТИ ОРТМОҚДА

Сайрам тумани чорвачилик соҳасини ривожлантириш бўйича вилоятда етакчи ўринда. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик қорамол сони 105,3 фоиз, яъни, 241,6 минг бошга ортди. Қўй-эчки – 105,6 фоиз, бу 143,6 минг бошни ташкил қилади. Шунингдек, йилки сони – 100,2 фоизга – 80,5 минг бошга ҳамда парранда сони – 100,2 фоизга – 173,7 мингга ортди.

Гўшт етиштириш режаси – 105,8 фоизга (32,5 минг тн.), сут етиштириш – 107, 4 фоизга (134,1 минг тн.), тухум – 101,5 фоизга (14,7 млн. дона) ошириб бажарилди.

Умуман, туманда чорвачилик соҳаси яхши йўлга қўйилган. 1038та мол бўрдоқлаш ўринлари мавжуд бўлиб, уларда 42 минг бош қорамол бўрдоқланмоқда. Жорий йилнинг 10 ойида жами 15,8 минг тонна гўшт экспорт қилинди. Унинг 11,0 минг тоннаси йирик қорамол, 4,8 минг тоннаси қўй гўшти.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.


Туркистон вилоят ҳокимлигининг кўкаламзорлаштириш ҳамда санитария тозаллиги режасига мувофиқ, куз ойларида Келес туманида 25 300 туп дарахт кўчатлари ўтқозиш режаланган.

КУЗГИ КЎЧАТ ЎТҚАЗИЛДИ

Бугунги кунда “Жасыл Желек” ДКҚдан 14 200 туп дарахт харид қилинди. Хусусан, арча – 265, туя – 285, қайрағоч – 10 000, терак – 300, заранг – 3 350 туп. Келгусида 11 100 туп манзарали дарахтлар кўчатлари ўтқазилди.

Бу ҳақда Келес тумани ҳокими Жанибек Ағибаев раислигида ўтган мажлисда уй-жой коммунал хўжалиги, йўловчилар транспорти ҳамда автомобиль йўллари бўлими раҳбари Бақитжан Ширинбеков маълум қилди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.



КИТОБ ЯРМАРКАСИ ЎТДИ

Туркистон вилоятининг ташкил топганига 5 йил тўлиши муносабати билан ҳамда “ALTYN KUZ-2023”, “Шаҳар куни” байрам тадбирлари доирасида Жетисай шаҳридаги “Жеңіс” майдонида туман ҳокимлигининг ташаббуси билан “Китобхон миллат” мавзuida китоб юрғазма-ярмаркаси ўтказилди.

Тадбирда “QAZYNA”, “OTBACЫ хрестоматиясы”, “Olja Peak”, “MARFU book”, “MAZMUNDAMA”, “Qasym kitaphanasy”, “KitapAl”, “Steppe&world”, “Ziyat”, “Qyr Balasy” каби Алмати шаҳридан тақлиф

»» Қозоғистон мустақиллигига – 32 йил

УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРГАН ЗАМОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Барчага тенг имкониятлар берадиган дунёвий давлат – “Адолатли Қозоғистон”ни барпо этамиз. Қонун ва интизом, ўзаро ҳамжихатлик, хоҳиш ва масъулият барчасидан устун бўлган самарали давлатга айланамиз. Жамоат тартибини бузувчи ҳар қандай фитначилик ҳаракатининг олди олиниши керак. Афсуски, ҳуқуқ-тартибот идоралари, вилоят раҳбарлари бу борада ишларни тўғри йўлга қўймапти. Бошқачароқ айтганда, қонун устуворлигини таъминлашмаяпти. Натижада жамиятимизда нохуш ҳолатлар рўй бермоқда. Масалан, дала ва кўчаларда бузғунчилик, тартибсизликлар, айрим фуқароларимизнинг маданиятсизлиги, турли маиший низолар халқаро майдонда юртимиз шаънига путур етказди.

Яна тақорралаймиз: асосий мақсадимиз қонунга қатъий риоя қилиш, жамоат тартибини таъминлашдир”, дея Президент ички ишлар тизими олдида янги вазифаларни белгиллади.

Галдаги вазифа – ҳар бир қозоғистонлик амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини ва Ватанимизни фаровонлаштиришдаги аҳамиятини аниқ англаши жоиз. Ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун жамиятимизнинг муштарак мақсад атрофига бирлашиши ўта муҳимдир.

Янги Қозоғистон концепцияси фуқаролар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва жамиятдаги янгилаш жараёнларига жўшқинлик берди. Ушбу ташаббусни нафақат давом эттириш, балки янги мазмун ва йўналишлар билан тўлдириш жоиз.

Халқимиз фаровонлиги ва Қозоғистоннинг юксак тараққиётини таъминлаш – Мустақил давлатимизнинг узок муддатли мақсади. Бу мақсадга қисман эришдик ҳам. Бу, энг аввало, Президентимиз таъкидлаганидек, бирлигимиз туфайлидир. “Тотув элнинг насибаси мўл”, дейди халқимиз. Бугунги даврнинг ҳам талаби осон эмас. Бирлик ва тотувликни сақлаб қолсак, забот этилмайдиган доvonлар йўқ.

А. АБДУФАТТОҒ.

ПОЛИГОНЛАР ТАРТИБГА КЕЛТИРИЛАДИ

Минтақа раҳбарининг топшириғига биноан қаттиқ маиший чиқиндилар сақланадиган жойлар ўрганилади. Тегишли тадбирлар режаси тузилиб, топшириқлар берилди.

159та чиқиндихона текширилиб, уларнинг 60 фоизи талабга жавоб бермаслиги аниқланди. Сўнгги текшириш чоғида уларнинг 70 фоизи, яъни 109та полигон санитария талабларига жавоб бериши аниқланди. Бултур вилоят раҳбари Дархан Сатибалди раислигида ўтган девон мажлисида бу масала муҳокама қилинган эди. Минтақа раҳбари вилоят табиий заҳиралар ва табиатдан фойдаланишни тартибга келтириш бошқармасининг раҳбари, туман, шаҳар ҳокимликларига тушунтириш ишларини юритиб, қатъий тартибда тегишли чораларни қабул қилишни топширди. Туркистон вилояти бўйича экология департаменти раҳбари Қанат Қалмахан ушбу йўналишдаги бажарилган ишлар ва масалаларга тўхталди. Унинг айтишича, жорий йил мазкур чиқиндихоналарда 29 марта текшириш юритилиб, қонунбузарликлар аниқланган. 41 иш маъмурий жавобгарликка тортилиб, 12 млн. тенгедан зиёд жарима солинган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

талабаларни қабул қилишда этно-маданият бирлашмалар вакиллари, масалан, ўзбек халқи эҳтиёжини ҳам инobatга олиш масаласини кўриб чиқишни тақлиф қилди.

Газетамизда қатор йиллар давомида кўтарилаётган муаммо – ўзбек тилида таълим берувчи умумтаълим мактабларида ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрлаб бориlmаса, яқин келажакда мактабларда бу соҳа муаллимлари етишмовчилиги муаммоси бўй кўрсатиши мумкин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.
Муаллиф тасвири.



ШИМКЕНТ ЎЗБЕК ДРАМА ТЕАТРИ – 20 ЁШДА

1999 йилнинг июнь ойида вилоят ўзбек маданият маркази раислигига сайланганимдан сўнг, кенгаш аъзолари билан иш режаларини тузиб олдик. Асосий мақсадларимиз – давлатимиздаги олий ўқув юртлари ва ихтисослашган ўрта таълим масканларида қозоғистонлик ўзбек ёшларини ўқитиш, ўзбек тилидаги телеканал кўрсатувларини очишдан иборат эди.



Вилоят ижтимоий-сиёсий “Жанубий Қозоғистон” газетасининг 2000 йил 15-сонида Қозоғистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаси аъзоси Зокиржон Мўминжоновнинг “Бизга театр керакми?” мақоласи чоп этилди. Мазкур мақолани синчиклаб ўқиб чиқдим. Эртаси тахририятга бориб, Зокиржон билан бамайлихотир сўзлашиб, ишни нимадан бошлашга келишиб олдик.

Вилоят ҳокими Бердибек Сапарбаев номига марказ номидан театр очиб бериш ҳақида хат ёздик.

“БИЗ ЁРДАМ БЕРИШГА ТАЙЁРМИЗ”

Б. Сапарбаев хат билан танишиб чиққандан сўнг имзо қўйиб, ўринбосари Дархан Минбайга йўллабди. Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг Д. Минбай мени ҳузурига чақиртириб:

– Агар театр очилса, ишлайдиган актёрлар борми? – деб сўради.

Вилоятимизда актёрлар етарли эканлиги, улар ўрта таълим масканларида мусиқа ўқитувчиси ва турфа соҳаларда ишlashаётганлигини айтдим.

– Ундай бўлса, актёрларнинг дипломлари ксеронусхасини ва театрға сарфланадиган бир йиллик харажатлар лойиҳасини олиб келинг, – деди.

Кенгаш аъзолари ва Зокиржон билан бамаслаҳат таниш санъаткорларнинг дипломлари ксеронусхаси ва бир

тов, Сайдиқарим Маҳмудов, Собира Шоюсупова ва Дилдора Бобошева вилоят ўзбек маданият маркази идорасига келишди. Камина улар билан яккама-якка суҳбатлашиб, бу тарихий воқеани нечоғлик сиёсий аҳамиятга эга эканлигини тушунтирдим. Вилоят ҳокими номига ёзган хатимиз маданият бошқармасига келиб тушганлиги ҳақида котиба Раҳнамо Раҳимова бизни воқиф этиб, раҳбарият билан учрашиш кераклигини айтди...

Биз бўлғуси янги театримизнинг иш режалари борасида суҳбатлашиш учун вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Айдинғали Сидиқовга учрашиб, олдимиздаги баъзи бир муаммоларни ечиш борасида дўстона муносабатда бафуржа гаплашиб олдик.

У бизни бўлим бошлиғи Сейдахмат Байдаулетовга йўллади. Сейдахмат оға ва иқтисодчи Қамар Сабирбаева билан театрға сарфланадиган бир йиллик моддий харажатлар борасида янгидан лойиҳа тузилди ва барча актёрларнинг дипломлари нусхасини уларга топширдик. Вилоят маданият бошқармаси ходимлари ва ўзга мутасаддилар хатимизга қай даражада ёндашаётгани, маблағ ажратишда кимлар тўсқинлик қилаётгани ҳақида котиба Раҳнамоҳон бизларни воқиф этган ҳолда беминнат ёрдамини аямади.

Уша 2001 йили вилоят ўзбек маданият маркази кенгаш аъзолари ва



рининг бир йиллик харажати 3 млн. тенге экан, биз уни топиб берамиз”, деди қатъий.

Ва, «Театр очилади!» деган сўзидан сўнг кўзларимизда қувонч ёшлари милтиллади. Айниқса, Б. Турдиқулов қувонч ёшларини яшира олмади.

ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИГА ОЛТИН ҲАРФЛАР БИЛАН БИТИЛГАН КУН

2003 йилнинг 22 октябрь куни вилоятимизда истиқомат қилаётган ярим миллиондан зиёд ўзбек халқи учун ҳам тарихий, ҳам сиёсий байрам бўлди, десак муболаға бўлмайди. Н. Назарбаев вилоятимизга расмий иш сафари билан ташриф буюриб, вилоят ўзбек драма театри биносини очиб берди. Вилоят ҳокими ўринбосари Али Бектаев раҳбарлигида уюштирилган тадбир юқори савияда ўтди. Театр актёрлари халқлар дўстлигига бағишланган сахна асарини намойиш этдилар.

Янги очилган театр биносиди М. Исоқов шу пайтдаги Элбошимизга олиб бораётган одилонга сиёсати учун халқимиз номидан улкан миннатдорчилик билдирди.

Н. Назарбаев вилоят, туман ўзбек маданияти марказининг кенгаш аъзолари ҳамда фаоллари билан саломлашар экан, уларга самимий дил сўзларини изҳор этди.

Айниқса, кўча юзиди сайрамликлар билан юзма-юз учрашган чоғида: “Кўп миллатлилик – бизнинг бойлигимиз ва қувончимиз, миллатлараро тотувлиқни ягона мақсад қилган ҳолда аҳил ва

Шимкентдаги уйда йиғилиб ўтирган чоғида “Агарда биз, театр аҳли ва санъаткорлар вилоят ўзбек маданият марказининг театримизни очилишидаги беминнат ва эзгу хизматларини унутсак, “кўрнамак” бўлганимиз”, дея, сазй-ҳаракатларимизга ўзининг юксак баҳосини берган эди Зокиржон ўша кун.

вилоят ўзбек драма театри очилмаганди, кейин оча олмас эдингиз, чунки иқтисодий таназзул ўз таъсирини албатта, кўрсатарди, – деди Б. Жилқишиев.

Ҳа, бу борада Б. Жилқишиев юз фоиз ҳақ эди...

Театр ҳужжатларини тайёрлаш давомида баъзи бир тўсиқларни енгиб ўтишимизга ёрдам берган барча



Вилоят ўзбек драма театри жамоасига 10 йил давомида раҳбарлик қилган З. Мўминжоновнинг хизматлари таҳсинга лойиқ. Театр актёрлари санъат оламида буюк чўққиларни забт этган ҳолда халқимизнинг олқишига сазовор бўлиб, 50дан зиёд сахна асарларини сахналаштирдилар.

юртдошларимизга, шунингдек, Сайрам қишлоғидаги “Наврўз” истироҳат боғида ўтган байрамда бизларни танқид қилган айрим миллатдошларимизга ҳам миннатдорчилик билдираимиз.

Театримизнинг очилишида самарали ва беминнат хизматларини аямган марказ фаолларидан М. Исоқов, Ш. Муҳаммаджонов, А. Отажонов, Т. Усмонов, А. Абдухолиқов, Ғ. Қирғизбоев, А. Абдуқодиров, Б. Турдиқулов, Н. Дўсматова, Т. Исмоилова, Ҳ. Муҳиддинов, Р. Муҳаммаджонова, Ғ. Норова, Ф. Акромов ва З. Мўминжонов ҳамда вилоят маданият бошқармаси раҳбари А. Сидиқов, бўлим бошлиғи С. Байдаулетов, бош ҳисобчи Т. Бектимирова, котиба Р. Раҳимова, иқтисодчи К. Сабирбаева ва мақолаимиз давомида номлари қайд этилган шахслар, шунингдек, исмлари ёддан кўтарилган бўлса, айрим шахслардан узр сўраган ҳолда уларга ҳам улкан миннатдорчилик билдираимиз.

Давлатимиз раҳбари одилонга ва оқилонга сиёсати натижасида вилоят ўзбек драма театрининг қайта тикланиши миллатимизнинг улкан сиёсий, тарихий, маданий ва маънавий ютуғидир!!!

Икром ҲОШИМЖОНОВ.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти, Саврон тумани, Янги Иқон қишлоғи ҳокимлиги, қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси “Жаңа Иқан” умумтаълим ўрта мактаби директори Мухит Камоловга волидаи муҳтарамаси, қаҳрамон она

Шарофат СОБИР қизи

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!



йилга сарфланадиган 3 млн. тенгелик харажат лойиҳасини Дархан Минбайга олиб кириб бердим.

Бу воқеа 2001 йилнинг май ойларидида содир бўлган эди.

Д. Минбай бизга: “Бир спектаклни сахналаштириб, қўйиб кўринглар, биз, вилоят маданият бошқармаси ходимлари ва театршунослар бориб кўрамиз. Агар сахна асари ҳақиқатдан ҳам томошабинларга ёқса, биз ёрдам беришга тайёрмиз”, деди.

Бир куни Зокиржон марказ идорасига кўнғироқ қилиб, зудлик билан тахририятга етиб келишимни илтимос қилди. Мен тахририятга борсам, унинг хонасида ҳамшаҳрим, санъаткор Ҳамидулла Қулабдуллаев ўтирган экан.

Қуюқ салом-алиқдан сўнг Зокиржон: “Бу йилгитни режиссёрликка олсак, сахна асарини қўйишга бош бўлади. Шаҳардаги актёрларнинг барчасини танийди”, деди менга юзланиб. Мен Ҳ. Қулабдуллаевни жуда ҳам яхши танишимни айтдим. Ўз соҳасида иш бўлмай, бошқа юмушларда ишлаб юрган Ҳамидулланинг вилоят ўзбек драма театри очилишини нечоғлик ҳис-ҳаяжон билан кутаётганини англадик. Чунки у Тошкентдаги Ҳамза театрида ишлаган, катта сахнани кўрган иктидорли, етук актёрлардан бири эди. Зокиржон менинг розилигимни олиб, Ҳамидуллани шу кундан бошлаб режиссёрликка тайинлади ва бўлғуси театрға актёрлар қабул қилиниши ҳақида “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасига эълон бердик.

Биринчилардан бўлиб, Баҳодир Раҳматов, Шоҳиста Усмонова, Беҳзод Ғоипов, Мақсад Нуралиев, Дилфуза Турсунбоева, Ортиғой Имонбоева, Турсуной Исмоилова, Маҳмуд Рўзимам

фаолларининг кенгайтирилган ҳар бир йиғилишида келгуси йилнинг 26 февраль куни вилоят ўзбек маданият марказининг 10 йиллик тўйини ўтказиш борасида сўз юритардик. Ва низоҳат, 2002 йилнинг январь ойидаги йиғилишимизда 12 апрель куни марказнинг 10 йиллик тўйини ўтказиш ва Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” спектакли премьерасини 10 апрель куни қўйилишини режалаштирдик.

“ТЕАТР ОЧИЛАДИ!”

2002 йил 10 апрель. Бу кун ғоят ҳаяжонли ва тарихий сана, премьера ўтадиган кун. “Халқлар дўстлиги” уйи томошабинларга лиқ тўла, премьерарага вилоят ҳокими ўринбосарлари Дархан Минбай, Рўзакул Холмуродов, вилоят маданият бошқармаси раҳбари Айдинғали Сидиқов, театршунослар, марказ фаоллари ва бошқа меҳмонлар ташриф буюришган. «Темир хотин» спектакли премьерасини актёрларимиз биз кутгандан ҳам аъло даражада, намойиш этдилар. Барча томошабинлар уларнинг актёрлик маҳоратини ўринларидан туриб, давомли ва гулдурос қарсақлар билан олқишладилар. Тадбирдан сўнг меҳмонлар билан бир пиёла чой устида бафуржа суҳбатлашиб, меҳмонларнинг ижобий фикр ва мулоҳазаларини тингладик.

11 апрель куни вилоят ҳокими ўринбосарлари Д. Минбай ва Р. Холмуродов вилоят ҳокими Б. Сапарбаев ҳузурда бўлишиб, спектакль борасидаги ижобий фикрларини баён этдилар. 12 апрель куни “Жастар” тўйхонасида ўтган марказнинг 10 йиллик тўйига вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан меҳмонлар келишди. Ҳоким Б. Сапарбаев табрик сўзиди: “Янги очиладиган вилоят ўзбек драма теат-



иноқ яшаб, давлатимиз равнақиға ўз улушимизни қўшаверайлик”, деди.

Вилоят маданият бошқармаси бошлиғи А. Сидиқов менга театр директори бўлиб ишлашни таклиф этди. Ўзи очган театрға ўзи раҳбар бўлибди, деган сўздан йироқ бўлиш учун мен рад жавобини бердим.

Марказ раиси ўринбосари Б. Турдиқуловнинг тавсисига биноан театршунос З. Мўминжоновни театрға раҳбарлик лавозимига тайинланиши борасидаги ташаббусимизни вилоят маданият бошқармаси қўллаб-қувватлади.

Сайрам тумани маркази Оқсувкентга навбатдаги сафаримиз чоғида Зокиржондан: “Театрға ким раҳбар бўлади?” деб сўрадим. “Мен бўламан”, деди у қатъият билан.

Театр жамоаси Ҳ. Қулабдуллаевнинг

Мен 2013 йилнинг июнь ойидан бошлаб, театр жамоасига раҳбарлик қилдим.

Шу ўринда айтиш жоизки, вилоятимизда бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлган уч муассаса миллатимиз нуфузи, кўзгуси ва маънавиятимиз минбари эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Булар – вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси, “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти ва вилоят ўзбек драма театри.

Астана шаҳридаги “Тинчлик ва тотувлик” саройида ўтган ҚХАнинг XV сессиясида мен сенатор Б. Жилқишиев билан бир неча дақиқа суҳбатда бўлиб, театримиз ишлари ҳақида гапириб берганим ёдимда.

– Икром Ақромович, агар ўша йили

»» Авлодлар бирлиги ва ворисдошлиги

АЖДОДЛАРИМИЗ АНЪАНАСИНИ АРДОҚЛАГАН ҚУТЛУҒ ХОНАДОНДА

Сўзоқ туманидаги обуначиларимиз истиқомат қиладиган Сўзоқ қишлоғи марказида Болтабой Абдурахмонов номи марказий кўчада туманинг фахрий фуқароси, жамоат ва меҳнат фахрийси Рисбой ота истиқомат қиладиган хонадонга А. Навоий номи мактаб директори ўринбосари Султонбой Рўзиметов ҳамроҳлигида ташриф буюрдик.



1955 йили 15 сентябрда Сўзоқ қишлоғида Болтабой ота ва Шарофат ая хонадонида дунёга келган чақалоққа ризик баракали бўлсин, деб, Рисбой исмини беришди. Қишлоқдаги собиқ Сталин, ҳозирги А. Навоий номи мактабни, сўнг Тошкент педагогика ҳамда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтларини аъло баҳоларга тамомлади. Меҳнат фаолиятини ўзи ўқиган А. Навоий номи мактабда ўқитувчи бўлиб бошлади.

Билими, ташкилотчилик қобилиятлари ила директор ўринбосари, Сўзоқ қишлоқ кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Сўзоқ жамоа хўжалиги касаба уюшмаси раиси, Б. Абдурахмонов номидаги ишлаб чиқариш ширкати

раиси сифатида самарали меҳнат қилди. 1999 йили Рисбой Болтабой ўғлига юксак масъулият юкланиб, Сўзоқ қишлоғи ҳокими лавозимига тайинланди. Шу лавозимда ишлаган 15 йил давомида қишлоқ ободончилиги ва тараққиёти йўлида кенг қамровли бунёдкорлик ишлар амалга оширилди. Кўп мукофотлар, хусусан, “Энг пешқадам қишлоқ ҳокимлиги” ҳамда “Этнослараро тотувлик би-



на, Абдурахмон, Тахмина, Нурмухаммад, Зебинисо, Умидаларни олий маълумотли қобил фарзандлар сифатида тарбиялаб, неваралар, эвара кўрган, куёв-келиндари ҳам хизматда ҳам иззатда бўлган пири бадавлат оила соҳиби. Рисбой отанинг падари бузруквор, Сўзоқ совхоз директори лавозимида самарали меҳнат қилиб, эл эъзозига, давлат мукофотларига сазовор бўлган Болтабой Абдурахмонов 1967 йили

анъанасини муносиб давом эттираётган Нурмухаммад билан ҳам мулоқотда бўлдим. Ташқарига йўналганимизда рўзгор ишларини чаққонлик билан уддалаётган мохир пазанда келин Мақпал қақалоғини бешикка чаққон беллаётганини кўриб аждодаларимиз анъанасини эътиқод ила ардоқлаб, овулим олтин бешигим ҳикматида астойдил амал қилиб кадр топаётган қутлуғ хонадон соҳибларига самимий хур-

лар барқарорлик равнақида кўшган муносиб ҳиссаси учун” мукофотлари билан тақдирланди. 2013 йилдан эса ўзи таълим олган ва устозлик қилган А. Навоий номи мактаб директори этиб тайинланди.

Сўзоқ туманидаги ягона ўзбек мактабига раҳбарлик чоғида таълим даргоҳининг янги кўп қаватли мухташам биноси давлат бюджети ҳисобидан барпо этилиши учун вилоят ва пойтахтга кўп елиб-югуриб, пировардида мақсадига эришди. Бу – Сўзоқ қишлоғи аҳолисининг кўп йиллик орзуси ҳам эди. 2018 йилдан фахрий ҳордиқда кексалик гаштини сураётган Рисбой ота умр йўлдоши, қахрамон она Зулфия Қўшахон қизи билан Гулзи-

барпо этган улкан хонадонда ўтган асрдан бошлаб вилоятимизга раҳбарлик қилган – Асанбай Асқаров, Халиқ Абдуллаев, Бердибек Сапарбаев, Бўлат Жилқишиев каби жуда кўп таниқли инсонлар, жамоат арбоблари қадрли меҳмон бўлишганлиги шонли тарих. Шу қутлуғ дастурхон устида тушлик қилдик. Хонадон соҳиби Рисбой ота кўлларини дуога очиб, давлатимизнинг тинчлик ва тотувлик сийсатини ўзбек тилида тарғиб қилаётган “Жанубий Қозоғистон” газетаси адади ўсиб, давлат обуна режаси бажарилишини тилаб, фотиҳа қилди.

Ҳаёт – оқар сувдек тезкор. Абдурахмон, Болтабой, Рисбой исмли, элга хизматни олий ҳиммат деб билган ота-боболарининг

матим орти. Кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари мукофотлари соҳиби, шу мукофотлар ичида энг улкани – халққа холис хизмат қилиб, эл эъзозига сазовор бўлган Рисбой отага раҳмат айтиб, мустақам саломатлик тиладик ҳамда қишлоқдаги ташкилотларни обунага даъват этиш мақсадида зиёли ҳамроҳим, устоз Султонбой Рўзиметов билан жадал йўлга тушдик.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Рисбой ота умр йўлдоши Зулфия ая билан; пири бадавлат оила аъзолари жам бўлганда; қутлуғ хонадон аждодалари Болтабой Абдурахмонов умр йўлдоши Шарофат опа билан.

»» Сухандон Ҳамроқул Давронбеков – 85 ёшда

Ватанни севиш шундай бир ҳиссиётки, уни ошкора кўз-кўз қилиб бўлмайдиган ўқ ортиқча дабдаба қилиш ҳам мумкин эмас. Лекин айрим инсонлар умри давомида ҳаёт саҳнасидаги фаол хизматлари билан ватанга садоқатини намоён қиладилар.

ЁЛДОР ЮРАК



Бугунги қахрамонимиз «Жанубий Қозоғистон» газетасининг муштарийларига яхши таниш, нуроний отахон, Қозоғистон ўзбекларининг биринчи сухандони Ҳамроқул Давронбековдир. У қарийб олтинмиш йилдан зиёд вақт давомида халқнинг синовли кунлари, тўю маросимларида хизмат қилиб, халққа маънавий озуқа бериб келади. Ўтган асрнинг ўрталари, айниқса, урушдан кейинги йиллар, илмга ошўфта халқ орасида тиббиёт, адабиёт, санъат ва маъориф соҳаларида касбининг фидойи вакиллари етишиб чиқди.

Ҳамроқул Давронбеков ҳам ўша даврнинг иқтидорли ёшларидан бири бўлди ва бугунги кунда катта авлоднинг муносиб вакили. Дастлаб 1948 йилда мактаб саҳнасида «Осмондаги пўлат куш, канотининг пастлаб уч» қўшиғи билан танилган ўсмир, истеъдоди билан устозлар эътиборига тушади. Қишлоқ клубида тўғарақлар ташкил этиб, ҳамқишлоқларининг маънавий эҳтиёжини қондириш мақсадида ёшлар орасида концертлар, кулгу кечалари уюштириб, ўз фаолиятининг дастлабки қадамларини таштайди. 1954 йилда Чимкент шаҳрида ўтган санъат фестивалида «Ичкилик» ҳажвий қўшиғи билан ғолибликни қўлга киритиб, тилла соат билан тақдирланади. 1957 йилда Қорабўлоқ қишлоғининг маҳаллий радиоузелида «Диққат қилинг!», «Кулгу саҳифаси» радиоэшиттиришларини олиб боради. Кейинроқ Ўзбекистон Республикасидан Маъмурият Узоқов, Олмахон Ҳайитова, Эргаш Қаримов, Фахриддин Умаров, Муножот Йўлчиева, Шерали Жўраев, Шўхрат Қайумов, Илҳом Фармонов каби театр ва санъат даргаларинининг вилоятимизда концертларини уюштириб, халқ олқишига сазовор бўлди.

Собиқ Иттифок мафқураси ўз касбига фидойи асл мутахассисларни тарбия қила олдиларки, улар 90-йиллардаги тузулмалар алмашинуви даври қийинчиликларини матонат билан енгиб ўтди ҳамда касбига содиқ қолишди.

Ҳамроқул Давронбековни болалигимдан биламан. У халқимизнинг барча тадбирларида, ҳар бир хонадоннинг қувончига шерик бўлиб, ўз услуби билан элга манзур. Устоз ўзбек адабий тилини бузмай, ҳар бир сўзга сайқал бериб, давраларга фойз кирита оладиган сухандонлардан бири. У оддий халқ шеvasида эмас, балки ўзбек адабий тилида гапирди. Одатда тараққиётнинг яловбардори бўлиб хизмат қиладиган фаол одамларни халқ ўз вақтида қадрлай олмайдилар. Тарихда бунга далиллар кўп. Менимча ҳозир ҳам шундай. Айтмоқчиманки, ўз тирикчилиги билан овора авом маънавийнинг жонқуярларига эътиборсиз. Биз бундай шахсларни мудом қадрламоғимиз даркор. Ойда бир-икки бор ҳузуримга келиб, суҳбатлашиб кетади. Ўзига хос дид билан ораста кийинган, ҳар бир сў-

зига алоҳида урғу бериб, маорифга оид сўнги ислохотлардан сўрайди, айрим терминларни таҳлил қилишга ёрдамлашади, ёш авлодни тарбиялашда нима-ларга кўпроқ эътибор қаратиш ҳақида маслаҳатлар беради. 85 ёшли отахондек таълим масканларига келиб хабар олувчи нуронийларимиз кўп эмас. Ҳар бир ижодкор умри давомида касбига сидқидилдан хизмат қилар экан, ижодининг қайсидир палласида ўзининг шох асарини яратади. Бундай ижод маҳсулининг баҳосини халқ беради. Ўқувчилик йилларимизда, «Она юртим Қорабўлоқ» номи видеофильмнинг тақдимот маросими бўлди. Ўша пайтда болаларга хос шўхлик туфайли видеофильмга беъэтибор бўлдик. Мактабни тамомлаб, талабалик даври ҳам ортда қолди. Мен тарих фани ўқитувчиси бўлганим боис, ўлкашуносликка доир антиқа услубда очиқ дарс ўтишим керак бўлди. Ҳамроқул Давронбековнинг «Она юртим Қорабўлоқ» видеофильмининг тоғлиб, бир бошдан кўриб чиқдим. Тушундимки, фильмни эътиборсиз томоша қилган ўша пайтларда нақадар гўр ва ёш бўлган эканман.

Уч қисмдан иборат видеофильмда мустақилликнинг дастлабки йилларидаги қишлоқнинг ижтимоий ҳаёти акс эттирилган. Қорабўлоқнинг тарихий қадамжолари, илмий нуктаи назардан батафсил ёритилган. Салкам 30 йил аввал одамларнинг турмуш тарзи баён қилинган. Оддий чорвадордан ҳокимгача, этиқдўз, ўқитувчи, шифокоргача эътибордан четда қолмаган. Устознинг меҳнатлари шунчаки видеофильм эмас, балки катта тарихий ҳужжат ҳамдир.

Тоғларга олисдан қаралганда унинг маҳобати ортгани каби, йиллар ўтиши мобайнида бу асарнинг қиймати ҳам ортиб бораверади. Келажакда фан тадқиқотчилари ушбу видеофильмга мурожаат қилишларига ишончим комил. Ўзбек ёзувчиси Неъмат Аминовнинг «Жон» романида тиббиёт фанининг етук олими профессор Наби Мажидовнинг фаолияти ҳақида гап боради. Асарда узоқ умр кўрувчи, матонатли, ҳаётнинг пақ-баланди, қийинчиликларини енгиб ўтувчи одамларни ёлдор юрак соҳиблари деб аташади, шу боис, устоз Ҳамроқул Давронбековни ана шундай инсонларга қисълаб, мақоламга айнан шундай сарлавҳа қўйдим.

Устозни таваллуд айёми – муборак 85 ёши билан табриклайман ва яна узоқ йиллар халқимиз хизматида бўлишини тилаб қоламан.

Улуғбек БОЯЛИЕВ,
4-сонли мактаб-гимназияси директори.
Сайрам тумани.

»» Маориф

“САЙРАМ” КОЛЛЕЖИ – ҲАР СОҲАДА ПЕШҚАДАМ

Шимкент шаҳар ўзбек драма театрида ўтган тадбир Халқаро талабалар кунига бағишланди. Унда жорий йили “Сайрам” коллежига талабаликка қабул қилинган ёшлар, ота-оналар, зиёлилар иштирок этишди.

Коллежга илк қадам қўйган ёшларни муассасага яқинда директор этиб тайинланган Жанара Баймағамбетова кутлаб, эзгу тилақларини етказди.

Сўнг таълим масканининг тўнғич директори, бугунги кунда Шимкент шаҳридаги тиббиёт академиясида мураббийлик қилаётган А. Сабуров ва коллеж ўқитувчиси Б. Ақромшарифовлар талабаларга рамзий калит ва гувоҳномани топширишди.

Дарҳақиқат, 2006 йили очилган “Сайрам” коллежи ўрта бугун тиббиёт ходимларини тайёрлайдиган пешқадам таълим масканларидан бири. Унинг муассиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Амирхан Баймағамбетов 17 йил давомида коллежда таҳсил олган



3 мингдан зиёд мутахассис бугунги кунда мамлакатимизнинг турли вилоятларида меҳнат қилаётгани, жорий йили ҳам 300дан зиёд талаба қабул қилинганини таъкидлади.

Тадбирда сўз олган таниқли сухандон А. Хонхўжаев, фахрий устозлар М. Қодиров ва Ҳ. Дўсматов, “Сайрам” Маданият уйи директори А. Қурманбаева, Қоратов туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Н. Имомсидиковлар коллеж-

нинг ютуқлари залворли эканлигини таъкидлашди.

Тадбир талабалар томонидан тайёрланган “Яхшилик қилсанг – яхшилик топасан” мавзуидаги ижодий танлов билан давом этди. Унда фаол иштирок этган гуруҳларга раҳбариятнинг ташаккурномалари ва совгалари тақдим этилди.

З. МЎМИНЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

»» Ойнома

Ўзбекча – ёй, форсча – камон, арабча – қавс, ўрисча – стрелец.

Муддати – 19 ноябрдан 18 декабргача, 30 кун. Шу муддат оралиғида туғилганлар бурж ҳисобида ҚАВСдир.

Бу ой ўзининг аччиқ аёзлари ва ёғин-сочинлари билан кузни қишга улаб юборади. Мўътадил қавс ойда ер музлаб, далаларни қор қоплаши керак. Шунинг учун ҳам халқимизда: “Ёз ёзлигини, қиш қишлигини қилган маъқул”, деган гап бор. Манбалар сўнги ўй йилда 32 илик, 22 совуқ, 46 мўътадил қавс оий кечганини кўрсатади.

Қавс кириши билан ҳавонинг ҳарорати ва ер магизидан кўтарилувчи илик нафас кескин пасаяди. Кечалари кўлмак ва шудгор қилинган ерлар юзаси музлайди. Ҳаво очик кечалари ҳамма ёқ қор ёққан-дагидек қиров билан қопланади. Дарахтлардаги қолган барглр дув тўкилади. Дарё ва ариқлар суви ниҳоятда тиниб оқишда давом этади.

Қавс суви ўткир, яъни сингувчан бўлади. Шу сабабли богбону деҳқонлар бог ва тоқзорлар, шунингдек, қуруқ тупроқли ерлар шудгорини бог ойда албатта, суғорадилар. Қавс сувига қонган тоқзорлар ёзги сув танқислиги пайтларида ҳадеганда чанқамайди, узуми тошғўрага айланмайди, ширадор бўлади. Дарахтлар

ҚАВС



меvasи таранг, соғлом бўлади, кам тўкилади. Чунки қавс ва чилла суви зарарли ҳашаротларнинг қишлаб келадиган авлодлари, уруғлари, шунингдек, касаллик зараркунандаларига қирон келтиради. Сингувчан сув ток ва дарахтларнинг бир неча метр чуқурликдаги томирларига ҳам етиб боради. Бу нам ёз ойлари аста-секин юзага кўтарилади.

ҚАВС оий туғаси билан ҳақиқий қиш бошланади. “Қавс чиқиши билан тўқсон дохил бўлади”, дейдилар. Бунинг маъноси шунки, Наврўзга қадар 90 кун қиш давом этади.

Хайрулла ҚОСИМОВ,
“Фасллар хосияти”дан.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.		Масъул шахслар: Туркистон, Сағрон — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07. Кентов, Сўзоқ — Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97. Тўлебий — Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16. Қазигурт — Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42. Сайрам — Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90 Тулқибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.		Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биро дарлиги.		МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i>	
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.		● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларини тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.		Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди. КЗ34УРҲ00022503 угувоҳнома берилган. “ERNUR”-print” МЧБ босяхонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.		Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 12100 нусха. Буюрма: 2946	
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.		Қозоғистон Республикасида тарқатилади.		Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.			